

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2024 йил сентябрь ойининг 12 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида

раислик қилувчи: В.Сиддиков,

ҳайъат судьялари: Б.Хайдаров ва Ш.Каримовдан иборат таркибда, С.Саидмуродхоновнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори М.Парпиев ва ҳимоячи И.Ниёзовнинг иштирокида, Ш.Мингбоевга оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси томонидан келтирилган тафтиш шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 8 майдаги ҳукмига кўра:

Мингбоев Шерзодбек Бахтиёржон ўғли, 1993 йил 21 июлда Ўзбекистон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, судланмаган, ёлланма ишчи, Ўзбекистон тумани, “Ражабгерди” МФЙ, Қози кузот кўчаси, рақамсиз уйда яшаган, иш бўйича 2024 йил 27 февралда қамок эҳтиёт чораси қўлланилган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 165-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 57-моддаси қўлланиб, 3 йил, 166-моддасининг 1-қисми билан 3 йил, ЖК 59-моддасининг 3-қисми тартибида 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг кассация инстанциясининг 2024 йил 11 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521²-моддасига кўра, суд мажлиси жазони ижро этиш муассасасида бўлган маҳкум Ш.Мингбоевнинг иштирокисиз ўтказилди.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.Мингбоев 2024 йил февраль ойи бошларида Ш.Валиева билан танишиб, у билан яқин муносабатда бўлиб, кейинчалик ундан 100 АҚШ доллари пул беришини, акс ҳолда унинг фотосурат ва видеотасвирларини тарқатиб, шарманда қилишни айтиб, кўрқитиб, пул беришга мажбур шароитга солиб, 2024 йил 5 февраль куни 100 АҚШ доллари;

шунингдек, 2024 йил 8 февраль куни Учкўприк туман марказида Ш.Валиева билан кўришиб, унинг нархи 1.000.000 сўмлик “Realme” русумли телефон аппаратини талончилик йўли билан олиб кўйиб, қайтариб бермасдан, унга 200 АҚШ доллари беришини, бермаган тақдирда беҳаё фотосурат ва



видеотасвирларини тарқатиб юборишини айтиб, 2024 йил 10 февраль ва 13 февраль кунлари жами 200 АҚШ долларини;

шунингдек, Ш.Валиевдан 100 АҚШ доллари беришини талаб қилиб, 2024 йил 26 февраль куни соат 13³⁰ларда Қўқон шаҳар, Навбахор кўчасида жойлашган “Mediapark” савдо мажмуаси олдида ундан 1.240.000 сўмни товламачилик йўли билан олганида ушланган.

Ҳимоячининг тафтиш шикоятда, ҳаракатларида такроран товламачилик жинояти аломатлари мавжуд эмаслиги, жабрланувчи Ш.Мингбоевага тегишли уяли телефон аппаратини талончилик йўли билан қўлга киритмагани ҳақида важлар келтириб, ЖКнинг 165-моддаси билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судланган Ш.Мингбоев ва жабрланувчи Ш.Валиева ўз эътирозномаларида, тафтиш шикоятига эътирозлари йўқлигини билдиришган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Ш.Каримовнинг маърузасини, прокурор М.Парпиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ва ҳимоячи И.Ниёзовнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд қарорларида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Ш.Мингбоевнинг эълон қилинган айбловга нисбатан муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятларни содир этганлиги, судда ўзининг айбига тўлиқ иқдорлиги ҳақидаги жинойий ҳаракатларини фош қилувчи кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи Ш.Валиевнинг суддаги кўрсатувлари, пулларни қайд этиш ва махсус иштирокчига тақдим этиш, ҳодиса жойини кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш, нарсани таниб олиш учун кўрсатиш, юзлаштириш баённомалари, фотосуратлар ва телефондаги ёзишмалар нусхалари, аудио ёзув ва видео тасвирлар ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботлангани ҳақида асосли хулосага келинган ҳамда унинг ҳаракатлари ЖК 165-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 166-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Ҳимоячининг тафтиш шикоятдаги, Ш.Мингбоевнинг ҳаракатларида такроран товламачилик жинояти аломатлари мавжуд эмаслиги, жабрланувчи Ш.Мингбоевага тегишли уяли телефон телефон аппаратини талончилик йўли билан қўлга киритмагани ҳақида важ келтирса-да, тафтиш инстанцияси ушбу важлар билан қуйидаги асосларга кўра келишмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддасида, товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб ўзгачан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топширишни, мулккий манфаатлар беришни ёхуд мулккий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйганлик учун;



2-қисмининг “а” бандида, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилганлик учун;

ЖКнинг 166-моддасида, талончилик, яъни ўзганинг мулкини очикдан-очик талон-торож қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, шикоят важлари, жабрланувчи Ш.Валиеванинг, Ш.Мингбоев билан интернет тармоғи орқали 2024 йил январь ойи охири - февраль ойи бошида танишиб, телефон орқали гаплашиб юргани, шу орада 600 минг сўм пул сўраганида қайтиб безовта қилмаслигини, бошқа гаплашмаслигини айтгани, шунда у фото суратлари ва телефонда гаплашган гаплари борлигини, уларни тарқатиб, шарманда қилишини, тарқатмаслик эвазига эса 100 АҚШ доллари беришини талаб қилгани, шарманда бўлишдан қўриқиб, 100 АҚШ доллари бергани, орадан бир кун вақт ўтиб, у яна қўнғироқ қилиб, фото суратларини тарқатиб юбормаслик эвазига 100 АҚШ доллари пул сўрагани, бермаса маҳаллада шарманда қилишлигини айтгани, 08 февраль куни Учкўприк тумани марказида кўришишганида телефонини текшириб кечиришини айтиб, баҳоси 1.000.000 сўм бўлган “Realme” русумли телефон апаратыни кўлидан тортиб олгани, бир неча маротаба қайтариб беришини сўраганида, рад жавобини олгани, у телефонни қайтариб бериш ўрнига дўконга кириб, оддий телефон сотиб олиб бергани, ушбу телефон учун 100.000 сўмни ҳам ўзи тўлагани, шу куни кечки вақтда Ш.Мингбоев яна қўнғироқ қилиб, телефон апаратыдаги “файллар” бўлимидаги кийимсиз ҳолатда тушган фото суратларини топиб олгани, уларни тарқатиб юборишини, уларни тарқатмаслик ва ўчириб ташлаш эвазига эса 200 АҚШ доллари бериши кераклигини айтгани учун шарманда бўлмаслик мақсадида 10 февралда Қўқон шаҳар, Янги бозор ҳудудида 200 АҚШ долларида 100 АҚШ долларини бергани, 13 февралда қолган 100 АҚШ долларни бергани, 24 февралда Ш.Мингбоев қўнғироқ қилиб, 700 минг сўм беришни талаб қилгани, агар бермаса, беҳаё фото суратларини тарқатиб юборишини айтганида, бу ҳолатга чек қўйиш учун Қўқон шаҳар ИИБга ариза бергани, унинг аризаси асосида ўтказилган тадбирда Ш.Мингбоев билан Қўқон шаҳар, Янги бозор ҳудудидаги “Mediapark” савдо мажмуаси олдида ундан 1.240.000 сўмни олган вақтда ушлангани ҳақидаги;

судланган Ш.Мингбоевнинг, 2024 йил февраль ойи бошида Ш.Валиева билан танишиб қолиб, телефон орқали гаплашиб юргани, Ш.Валиева у билан гаплашишни истамаслигини айтганида, 100 АҚШ доллари бермаса, юборган расмларини ва телефондаги овозли хабарларини тарқатиб юборишини айтиб, уни қўрқитгани, 5 февралда унинг яшаш хонадонига бориб, кўчанинг бошида расмларини тарқатиб юбормаслиги эвазига 100 АҚШ долларини олгани, орадан бир неча кун ўтиб, Ш.Валиеванинг яшаш хонадонида кўришиб, у билан жинсий алоқада бўлгани, 8 февралда Учкўприк тумани марказида кўришиб, телефон апаратыни бериб туришини, кўздан кечиришини айтиб, “Realme” русумли телефон апаратыни олиб, бундай уяли телефон ишлатмаслигини, оддий телефон ишлатишини айтиб, унга 100 минг сўм пул эвазига оддий тугмали телефон олиб бериб, унинг телефонини ўзи билан олиб кетгани, Ш.Валиеванинг “Realme” русумли телефонини кўздан кечирганда унинг беҳаё тусдаги, кийимсиз ҳолатда ўзини-ўзи олган фото суратлари борлигини кўриб, Ш.Валиевага ушбу фото суратларини видео қилиб, интернет тармоқларига тарқатиб юборишини, агар буни истамаса, 200 АҚШ доллари пул бериши кераклигини айтгани, 10 февралда



Кўкон шаҳар, Янги бозор ҳудудида 100 АҚШ доллари, орадан 3 кун ўтиб, яна 100 АҚШ доллари пулларни олгани, орадан бир неча кун ўтиб, чет элга чиқиш учун пул зарур бўлиб қолгани, 700 минг сўм беришини, агар бермаса, беҳаё фото суратларини тарқатиб юборишини айтиб, 26 февралда Кўкон шаҳар, Янги бозор ҳудудидаги “Mediapark” олдида 1.240.000 сўмни олган вақтда ИИБ ходимлари томонидан ушлангани ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, пулларни қайд этиш ва махсус иштирокчига тақдим этиш, ҳодиса жойини кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш, нарсани таниб олиш учун кўрсатиш, юзлаштириш баённомаси, илова қилинган фото суратлар, Ш.Мингбоев ва Ш.Валиевалар ўртасидаги телефондаги ёзишмалар нусхалари, аудио ёзув ва видео тасвирлар ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан рад қилинади.

Судлов ҳайъати юқоридаги келтирилган объектив далилларга асосан, судланган Ш.Мингбоевнинг ҳимоячиси томонидан келтирилган шикоятдаги важларини танқидий баҳолаб, унинг ҳимоячиси томонидан тақдим этган далилларини номақбул далил деб ҳисоблаб, далиллар мажмуидан чиқаришни лозим топади.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, судланган Ш.Мингбоев 2024 йил 5 февралда Ш.Валиевага ўзи томонидан уяли телефон орқали жўнатган фотосуратлари ва телефон орқали гаплашган суҳбатларининг аудио ёзувларини тарқатиб юборишини айтиб, унинг учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш йўли билан кўрқитиб, 100 АҚШ долларини талаб қилиб олиб, ўзининг жинойий мақсадига эришган.

Шунингдек, у ҳаракатларини давом эттириб, 2024 йил 8 февралда Ш.Валиеванинг баҳоси 1.000.000 сўмлик “Realme” русумли телефон аппаратини очикдан-очик талон-торож қилиб, уни оддий уяли телефон аппаратидан фойдаланишини айтиб, уяли телефон аппарати олиб бериб, пулларини эса, Ш.Валиеванинг ўзига тўлов қилдирган.

Мазкур “Realme” русумли уяли телефон аппаратини яшаш хонадонига олиб бориб, унинг хотирасидаги Ш.Валиеванинг кийимсиз ва беҳаё фото суратларини топиб олиб, мазкур фото суратларини интернет ижтимоий тармоқларида тарқатиб, унинг учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш йўли билан такроран кўрқитиб, 2024 йил 10 февраль ва 13 февраль кунлари яна жами 200 АҚШ доллари пулларини қўлга киритганлиги сабабли, тафтиш инстанция суди, шикоятдаги Ш.Мингбоевнинг ҳаракатлари умумий қасд билан қамраб олинган, давомли жинойятдан иборат эканлиги ҳақидаги важлари билан ҳам келишмади.

Биринчи инстанция суди Ш.Мингбоевга жазо тайинлашда, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жинойят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги, Жинойят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жинойятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандидаги, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жинойятлар содир этган шахсларга агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган



ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилиши;

37-бандидаги, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, унинг шахсини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчини даъвоси йўқлигини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин эмас деган фикрга келиб, модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдоридан ҳам камроғини тайинлаб, асосли хулосага келган.

Зеро, жазолашдан кўзланган мақсад маҳкумни ахлоқан тузатиш, у ва бошқа шахсларнинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш бўлиб, суд томонидан Ш.Мингбоевга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб, тури ва миқдори жиҳатдан меъёрида тайинланиб, бу билан жазолашдан кўзланган мақсадга эришилади.

Бундай ҳолда суд қарорларини адолатсиз деб топиш учун асослар мавжуд эмас.

Шу сабабли, тафтиш инстанцияси Ш.Мингбоевга оид суд қарорларини ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси томонидан келтирилган тафтиш тартибидаги шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴ ва 521⁶-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Мингбоев Шерзодбек Бахтиёржон ўғлига нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 8 майдаги ҳукми ва Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича кассация инстанциясининг 2024 йил 11 июлдаги ажрими ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси томонидан келтирилган тафтиш тартибидаги шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

В.Сиддиқов

Ҳайъат судьялари:

Б.Хайдаров

Ш.Каримов

